

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАСАНОВ ХАЙРУЛЛО НАСРУЛЛАЕВИЧ

ИҚТИСОДИЁТНИНГ КОРПОРАТИВ СЕКТОРИГА КАПИТАЛ
БОЗОРИДАН МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ
АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economical
sciences**

Хасанов Хайрулло Насруллаевич

Иқтисодиётнинг корпоратив секторига капитал бозоридан молиявий
ресурсларни жалб қилиш амалиётини такомиллаштириш 3

Хасанов Хайрулло Насруллаевич

Совершенствование практики привлечения финансовых ресурсов с
рынка капитала в корпоративный сектор экономики 27

Xasanov Xayrullo Nasrullayevich

Improving the practice of attracting financial resources from the capital
market to the corporate sector of the economy 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАСАНОВ ХАЙРУЛЛО НАСРУЛЛАЕВИЧ

ИҚТИСОДИЁТНИНГ КОРПОРАТИВ СЕКТОРИГА КАПИТАЛ
БОЗОРИДАН МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ
АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2020.2.PhD/Iqt988 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdiu.uz) ва «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилди.

Илмий раҳбар:

Эшов Мансур Пулатович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Каримов Неъматилла Фатхуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Қурбонов Жавлонбек Жўрабекович
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-01-49, (99871) 239-43-51. e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй, Тел: (99871) 239-28-72; 239-01-49. факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х. Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

С.К. Худойқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро капитал бозорининг такомиллашуви алоҳида мамлакатлар молия бозори ва унинг асосий сегментларини мос равишда ривожлантириб боришни тақозо этмоқда. Хорижий давлатлар амалиётида корпоратив сектор давлат бюджети даромадларини шакллантириш асосий манбалардан бири бўлиб, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда алоҳида ўринга эга. Жумладан, АҚШда жами компанияларнинг 5 %и корпоратив секторга тўғри келса, мамлакатдаги сотиш ҳажмини 80 %и, ЯИМ нинг таркибида 88 %ни, жами банд бўлган аҳолининг 53 %и айнан ушбу сектор ҳиссасига тўғри келади. Канадада мамлакат ЯИМ таркибида корпоратив секторнинг улуши 81,0 %ни ташкил этадиган бўлса, аҳолининг 63,6 % айнан ушбу секторда иш билан банд ҳисобланади. Россия Федерациясида мамлакат ЯИМни шакллантиришда корпоратив секторнинг улуши 76 %ни ташкил этадиган бўлса, аҳолини иш билан таъминлашдаги улуши 54,8 %дан иборат¹.

Жаҳон амалиётида иқтисодиётнинг корпоратив секторига миллий ва халқаро капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари узлуксизлигини таъминлаш, акциядорлик компанияларнинг молиявий барқарорлик ҳолатини сақлаб қолиш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, молиялаштиришнинг янги молиявий инструментларини амалиётга жорий этиш айниқса жаҳон пандемия шароитида долзарб масалалардан бири саналади. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида капитал бозоридан иқтисодиётнинг корпоратив секторига молиявий ресурсларни жалб қилишнинг замонавий инструментларини жорий қилиш, молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш, молиявий қарорлар қабул қилиш жараёнида эконометрик моделлаштиришнинг замонавий усулларини қўллаш бўйича муҳим йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «капитални жалб қилиш ҳамда корхоналар, молия институтлари ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришнинг муқобил манбаи сифатида фонд бозорини ривожлантириш ҳамда халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш»² бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш, мамлакатимиз корпоратив сектори акциядорлик жамиятларида бизнесни замонавий тенденцияларга мос равишда янада ривожлантириш, молиявий ресурсларни шакллантириш билан боғлиқ

¹<http://datatopics.worldbank.org/world-development-indicators/themes/economy.html#growth-and-structure>-Жаҳон банкининг ҳисобот маълумотлари таҳлили

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. - www.lex.uz.

иктисодий-молиявий «тўсиқларни» баргараф этиш, Ўзбекистон молия бозорини ривожлантириш учун ўрта ва узоқ муддатли даврга мўлжалланган стратегия ва йўл хариталари ишлаб чиқиш сингари муаммоларни ижобий ҳал этиш капитал бозори ва корпоратив сектор ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йилнинг 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сон «Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2019 йил 31 январдаги ПҚ-4141-сон «Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигацияларини чиқаришни ташкиллаштириш ва суверен кредит рейтингини сақлаб туриш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 2 апрелдаги ПҚ-4258-сон «Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида», 2018 йил 21 июлдаги ПҚ-3877-сон «Ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги «Фонд биржасида акцияларнинг оммавий таклифини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги 268-сон қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иктисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқаро ва миллий капитал бозорлари ривожланишининг хусусиятлари ва ушбу бозорлар ривожланиши билан боғлиқ муаммолар ҳамда молия бозоридан корпоратив секторга капитал жалб қилиш масалалари хорижий олимлар Г.Марковиц, У.Шарп, У.Мертон, Д.Сигел, Ф.Мишкин, А.Дамодаран, Я.Миркин, Б.Рубцов, А.Витченко, А.Абгарян, Л.Борлакова, В.Иванова, М.Касимова сингари бир қанча олим ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилган ва бу тадқиқотларнинг натижалари уларнинг асарлари ва илмий ишларида акс эттирилган³.

³ Markowitz H.M. Portfolio Selection. New Haven, Conn.: Yale University, Press 1959.; Sharpe W.F. Simplified Model of Portfolio Analysis//Management Science. January 1963.; Боди З., Мертон Р. Финансы.: Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2005. – 347 с.; Сигел Дж. Долгосрочные инвестиции в акции. 4-е изд. – СПб.: Питер, 2010. – 416 стр. ; Frederic S. Mishkin Economics of Money, Banking, and Financial Markets (10th Edition)

Республикамизда капитал бозори, жумладан, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш орқали акциядорлик жамиятлари фаолиятини молиялаштириш ҳамда молиявий ресурсларни самарали бошқаришга доир масалалар И.Л.Бутиков, Ш.Ш.Шохаъзамий, М.Б.Хамидулин, Р.Х.Карлибаева, С.Э.Элмирзаев, Ж.И.Каримкулов, Ф.Т.Мухамедов, Х.А.Курбонов, К.Х.Акрамов, Д.Б.Бегматова, Б.К.Саттаров, У.Р.Халиков, Х.Х.Худойкулов, Ж.Ж.Курбонов, Н.Р.Турсунова, Қ.Р.Чинқулов ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ўрганилган⁴.

Юқорида келтирилган олимларнинг илмий тадқиқот ишларида акциядорлик жамиятлари томонидан молиявий ресурсларни жалб қилишнинг илмий ва методологик муаммоларини ўрганиш билан бир қаторда мамлакатимизда фонд бозорини ривожлантириш истикболлари тадқиқ этилган. Бироқ айнан иқтисодиётнинг корпоратив секторига капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилишдаги илмий-амалий жиҳатлари ва соҳадаги мавжуд муаммолар алоҳида комплекс тадқиқ этилмаган. Бу ҳолат эса, танланган мавзунинг долзарблигини англатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг ФМ-4 “Ўзбекистонда акционерлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлиги

Prentice Hall, 2012 p. 720.; Aswath Damodaran Applied Corporate Finance 4th Edition Wiley, 4 edition, 2014, p 656.; Миркин Яков Моисеевич Российский рынок ценных бумаг: Влияние фундаментальных факторов, приоритеты и механизм развития. Дисс. д.э.н., – М., 2003.; Рубцов Борис Борисович Мировые фондовые рынки: Проблемы и тенденции развития. Дисс. д.э.н., – М., 2000.; Витченко, Алексей Борисович Фондовый рынок как механизм привлечения инвестиций в российской экономике. Дисс. к.э.н., – М., 2007.; Абгарян А.А. Развитие российского рынка акционерного капитала в современных условиях. Дисс. к.э.н., – М., 2015.; Борлакова Л.А. Влияние IPO на конкурентоспособность российских компаний. Автореф. к.э.н., – М., 2013.; Иванова В. Рынок капиталов: сущность, содержание и его место в системе рыночных отношений // Фундаментальные исследования - 2016.; Касимова М. Современные финансовые рынки: Монография. - М.: Проспект, 2014 г.

⁴ Бутиков И.Л. Проблемы формирования и функционирования рынка ценных бумаг в Узбекистане: Дисс...д.э.н. – Т., 2009 г.; Шохаъзамий Ш.Ш. Системное развитие рынка ценных бумаг в регулятивной взаимосвязи с реальной экономикой/Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2012. – 448 с.; Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. Дисс...д.э.н. – Т., 2008.; Карлибаева Р.Х. Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самарали ташкил этиш йўллари: дисс. автореферати. и.ф.д. – Тошкент, 2018. – 14 б.; Элмирзаев С.Э. Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини такомиллаштириш. и.ф.д. диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2017. 64 б.; Каримкулов Ж.И. Ўзбекистон иқтисодиётида қимматли қоғозлар бозори ролини ошириш йўллари: и.ф.н. ил. даража. олиш учун тақдим этилган дисс. Автореферати – Тошкент, 2012.-20 б.; Мухамедов Ф.Т. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларини ривожлантириш йўналишлари. 08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. ТМИ, Тошкент-2019 й.; Курбанов Х.А. Корпоративные финансы. Учебное пособие. – Т.: Iqtisodmolliya, 2007. –184 с.; Акрамов К.Х. Совершенствование финансового обеспечения модернизации акционерных предприятий посредством ценных бумаг. Автореф...к.э.н. – Т., 2011.; Бегматова Д.Б. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш. Иқт. фан. бўй. фал. док. (PhD)...автореф. – Т., 2017.; Саттаров Б.К. Ўзбекистонда ипотека қимматли қоғозлари бозорини шакллантириш йўллари. Автореф...и.ф.н.-БМА. 2012.; Халиков У.Р. Ўзбекистонда фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. и.ф.ф.д. (PhD) автореф. – Т., 2017.; Худойкулов Х.Х. Фонд бозори активларини баҳолаш механизмининг такомиллаштириш: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати – Тошкент, 2018. - 24 б.; Курбонов Ж.Ж. Давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларни самарали ташкил этиш истикболлари. и.ф.ф.д.(PhD) диссертацияси автореферати – Т.: БМА, 2019. 50 б.; Турсунова Н.Р. Корпоратив молияни бошқаришда молиявий таъминотни самарали ташкил этиш йўллари и.ф.ф.д.(PhD) диссертацияси автореферати –Т.: 2019. 52 б.; Чинқулов Қ.Р. Акциядорлик жамиятларини корпоратив қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришни такомиллаштириш и.ф.ф.д.(PhD) диссертацияси автореферати – Т., 2019. 66 б.

методологияси ва илмий асослари” мавзусидаги илмий тадқиқот ишларига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади капитал бозоридан иқтисодиётнинг корпоратив секторига молиявий ресурсларни жалб қилиш амалиётини такомиллаштиришга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иқтисодий тараққиётни таъминлашда капитал бозори фаолиятини ривожлантиришнинг аҳамияти ва концептуал асосларни аниқлаш;

капитал бозоридан корпоратив секторга молиявий ресурсларни жалб қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизми ва унинг асосий хусусиятларини тадқиқ этиш;

капитал бозоридан корпоратив секторга молиявий ресурсларни жалб қилишнинг хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш асосида мамлакатимиз амалиётида самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

иқтисодиётнинг корпоратив секторига халқаро капитал бозоридан молиявий ресурслар жалб қилиш амалиётини таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар шакллантириш;

иқтисодиётнинг корпоратив сектор акциядорлик жамиятларига капитал бозоридан молиявий ресурслар жалб қилиш механизминини таҳлил қилиш асосида таклифларни шакллантириш;

молиявий ресурсларни жалб қилиш усули сифатида «мезонин» молиялаштириш самарадорлигини баҳолаш амалиётини жорий этиш истиқболларини аниқлаш;

капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилишнинг ички корпоратив механизминини шакллантириш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

капитал бозоридан корпоратив секторга молиявий ресурсларни жалб қилиш билан боғлиқ рисклар ва уларни камайтириш йўллари аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мамлакатимиз корпоратив сектори, хусусан, молия секторига фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети капитал бозорида иқтисодиётнинг корпоратив сектори томонидан молиявий ресурсларни жалб қилиш жараёнларида юзага келувчи молиявий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда умумлаштириш, гуруҳлаштириш, абстракт-манتيкий фикрлаш, истиқболли прогнозлаштириш, индукция ва дедукция, корреляцион-регрессион таҳлил сингари усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилишда акциядорлик жамиятлари фаолиятини молиялаштириш гибрид инструментлардан фойдаланиш асосида такомиллаштирилган;

инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш имкониятларини оширишда акциядорлик жамиятлари томонидан жалб қилинган капитал қиймати ўртача

тортилган қиймат ва рискни миқдорий баҳолаш усулларини жорий этиш асосида такомиллаштирилган;

молиявий инструментдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш усули қарздорликка хизмат кўрсатиш тавсифидаги харажатларни қисқартириш омилларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

иқтисодиётнинг корпоратив секторида фаолият юритаётган масъулияти чекланган жамиятларига корпоратив облигацияларни эмиссия қилиш ҳуқуқини бериш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

капитал бозори амал қилишининг тамойиллари ёритиб берилган ва умумлаштирилган, ушбу бозорнинг ҳозирги замондаги ўзига хос хусусиятлари ҳамда молиявий инфратузилмаси тизимлаштирилиб, бозорнинг тушунчавий аппарати аниқлаштирилган;

капитал бозорида корпоратив сектор томонидан молиявий ресурсларни жалб қилиш усулларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар асосланган;

капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилишнинг корпоратив механизмини шакллантириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган ва молиявий ресурсларни жалб қилиш самарадорлигини баҳолаш бўйича амалий ёндашувлар асосланган;

Ўзбекистонда корпоратив секторнинг молиявий ресурсларга бўлган талаби ички капитал бозори томонидан етарли таъминланмаётганлиги аниқланган ва ушбу муаммонинг тезкор ечимларидан бири халқаро капитал бозорлари билан молиявий муносабатларни ривожлантириш таклифи асосланган;

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори етарли даражада ривожланмаганлиги ва бу корпоратив сектор томонидан молиявий ресурсларни жалб қилишда айрим муаммоли жиҳатларни келтириб чиқарганлиги, шунингдек, иқтисодиётнинг ушбу секторида рентабеллик нисбатан паст даражада эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги капитал бозорининг ривожланиш тенденциялари, иқтисодиётнинг корпоратив секторига молиявий ресурсларни жалб қилишнинг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган тадқиқот муаллифларининг илмий қарашларини ўрганиш, соҳага оид хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини тадқиқ этиш, эксперт баҳолаш натижаларига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Фонд биржаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, «Капитал суғурта» АЖ расмий манбаларидан олинганлиги, шунингдек, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган илмий-назарий хулоса, таклиф ва тавсияларни капитал бозоридан иқтисодиётнинг корпоратив секторига молиявий ресурсларни жалб қилишнинг назарий жиҳатларини ривожлантириш, жалб қилинган молиявий ресурслардан самарали

фойдаланиш, халқаро капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш, мамлакатимизда капитал бозорини ривожлантиришга доир фундаментал тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилишнинг замонавий инструментларини жорий этиш, капитал бозорида молиявий ресурсларни жалб қилиш моделлари, молиявий ресурсларни жалб қилиш рискин баҳолаш бўйича математика қоидалар ва уларни камайтириш бўйича тавсиялар, молиявий ресурсларни жалб қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар, капитал бозорида корпоратив сектор томонидан молиявий ресурсларни жалб қилиш усулларини асослаш ва ушбу ресурсларни жалб қилишда молиявий менежерлар томонидан фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижасида диссертант томонидан ишлаб чиқилиб таклиф этилган, капитал бозорида корпоратив сектор томонидан молиявий ресурсларни жалб қилишни такомиллаштиришга қаратилган илмий натижалар асосида:

молиявий ресурсларни жалб қилиш самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган услубий ёндашув ва молиявий ресурсларни жалб қилишнинг гибрид усули «Мезонин» молиялаштиришга нисбатан синовдан ўтказиш бўйича таклифи «Kapital sug'urta» АЖ фаолиятига жорий этилган («Kapital sug'urta» АЖнинг 2020 йил 5 майдаги 14-сонли маълумотномаси). Натижада молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш тартиби такомиллаштирилган ҳамда молиявий ресурсларни жалб қилишнинг инновацион усули ишлаб чиқилган;

инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш имкониятларини оширишда акциядорлик жамиятлари томонидан жалб қилинган капитал қиймати ўртача тортилган қиймат ва рискни миқдорий баҳолаш каби такомиллашган услубий қоидаларини жорий этишга доир таклифи «Kapital sug'urta» АЖ фаолиятига жорий этилган («Kapital sug'urta» АЖнинг 2020 йил 5 майдаги 14-сонли маълумотномаси). Натижада акциядорлик жамияти фаолиятини кенгайтиришга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштиришга қўшимча 1200,0 млн.сўм маблағ жалб қилишга эришилган;

«қарздорликка хизмат кўрсатиш харажатлари» омилини ҳисобга олувчи, молиявий воситанинг самарадорлигини ҳисоблаш бўйича такомиллашган формулани амалиётга жорий этишга доир таклифи «Kapital sug'urta» АЖ фаолиятига жорий этилган («Kapital sug'urta» АЖнинг 2020 йил 5 майдаги 14-сонли маълумотномаси). Натижада капитал бозори орқали жалб қилинган молиявий ресурслар бўйича хизмат кўрсатиш харажатларининг 10 %га камайтиришга эришилган.

капитал бозоридан қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш манбаларини оптималлаштириш мақсадида масъулияти чекланган жамиятларга облигациялар чиқариш ҳуқуқини бериш таклифи Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ва «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар

тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2020 йил 22 июлдаги Қонунида ақс эттирилган (Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги 2020 йил 25 августдаги 21/12 - сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида облигациялар чиқариш талабларини сезиларли даражада енгиллаштирилган ва масъулияти чекланган жамиятларга банк кредитларига муқобил сифатида корпоратив облигациялар чиқариш орқали молиялаштиришни жалб қилиш ва мамлакат молия бозорини ривожлантириш имкониятлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан: 2 та халқаро, 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 4 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 та республикада ва 1 та хорижий журналда мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 156 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ақс эттирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Капитал бозоридан иқтисодиётнинг корпоратив секторига молиявий ресурсларни жалб қилишнинг назарий-иқтисодий асослари**» деб номланган биринчи бобида иқтисодий тараққиётни таъминлашда капитал бозори фаолиятини ривожлантиришнинг аҳамияти ва концептуал асослари, капитал бозоридан корпоратив секторга молиявий ресурсларни жалб қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизми ва унинг асосий хусусиятлари ҳамда капитал бозоридан корпоратив секторга молиявий ресурсларни жалб қилишнинг хорижий давлатлар тажрибалари тадқиқ қилинган. Тадқиқот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда назарий натижа ва хулосалар шакллантирилган.

Капитал бозори моҳиятини тўлиқ ёритиб беришда аниқ ёки яхлит тариф мавжуд эмас, жумладан микроиқтисодий нуқтаи назардан айланма капитал ва

асосий капитал, капитал бозорининг таркибий қисми ҳисобланса, макроиқтисодий нуқтаи назардан эса, реал активлар бозори (кўчмас мулк бозори, ишлаб чиқариш воситалари ва б.) ҳамда қимматли қоғозлар бозори, фонд бозори, кредит бозори, валюта бозорини яхлит ўз ичига олувчи молия бозорини келтириш мумкин.

Германиялик иқтисодчи олимлар Л.Перридон ва М.Штайне компаниялар молияси номли илмий асарида капитал бозорига қуйидаги таъриф берадилар «Капитал бозори - бир йилдан ортиқ муддатга қимматли қоғозлар савдосини ўтказувчи ташкиллаштирилган биржа савдоси⁵». Россия Федерациясида молия бозори, қимматли қоғозлар муомаласини тартибга солишнинг фундаментал асосларига доир кўплаб илмий асарлар муаллифи Р.Р.Рубцовнинг фикрига кўра, «Молия бозори - пул капиталининг ҳаракатланиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ва институтлар мажмуидир⁶». Молия бозорининг замонавий кўринишлари ва унинг таркибий сегментларига доир илмий монография муаллифи В.В.Иванованинг фикрича, «молия бозори - молиявий воситалардан фойдаланган ҳолда молиявий битимларни амалга ошириш соҳаси⁷». Халқаро молия бозори ва институтлар, уларнинг ташкилий-иқтисодий асосларига доир кўплаб илмий адабиётлар муаллифи Ф.Мишкиннинг фикрича, «молия бозори - ортиқча маблағларга эга одамлардаги пул маблағларини пул маблағлари етишмаётганларга ўтказиб беришга хизмат қилувчи бозор⁸».

«Капитал бозори» тушунчасининг моҳиятини аниқлаштиришнинг мураккаблиги шунда кўринадикки, унинг инфратузилмаси молиявий бозорнинг қисми ҳисобланган пул бозори билан чамбарчас боғлиқ ва молиявий инструментлар капитал бозори ва пул бозори учун бир хилдир (1-расм).

Акциядорлик жамиятлари томонидан молиявий ресурсларни жалб қилишга доир қарорлар қабул қилишда, капитал бозорининг ҳолати ва молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражасидан келиб чиқади. Чунки иқтисодиётда корпоратив секторга йўналтирилаётган ресурсларнинг ўртача фоиз ставкаларидан келиб чиққан ҳолда акциядорлик жамиятлари қарз маблағларининг чегаравий миқдорини белгилашга ҳаракат қилади. Шу билан бирга, аниқланган хусусиятларнинг аҳамияти миллий иқтисодиётнинг ривожланиш хусусиятига қараб фарқ қилиши мумкин. Капитал бозорига жалб қилинаётган молиявий ресурслар ҳажми, жалб қилиш усуллари ва жалб қилувчи молиявий инструментлар, капитал бозорининг аниқ сегментлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан ўзаро боғлиқ.

⁵ Perridon L. Finanzwirtschaft der Unternehmung/L.Perridon. M. Steiner, Munchen: Verlag Vahlen, 2008. S. 150.

⁶ Рубцов Б.Б. Глобальные финансовые рынки: масштабы, структура, регулирование//Век глобализации. - №2 (8) - 2011. - С.73-98.

⁷ Ивнаова М.М. Современные финансовые рынки: Монография. - М.: Проспект, 2014. - 572 с.

⁸ Frederics S. Mishkin, Kent Matthews and Massimo Giuliiodori. Financial markets and institutions. USA. Prentice Hall, 2012. P. 2.



1-расм. Молия бозори сегментларининг молиявий инструментлари⁹

Шундан келиб чиққан ҳолда муаллифнинг фикрича, иқтисодиётнинг корпоратив секторига молиявий ресурсларни жалб қилишни таъминлаш имконини берувчи, қўлланилаётган усуллар ва молиявий инструментларга мос равишда кредит ва қимматли қоғозлар бозорини сегментлаш орқали капитал бозорининг институционал ва ташкилий тузилишига аниқлик киритиш зарур. (2-расм).

Молиявий ресурсларни жалб қилишда фойдаланувчи усулларни асослашда назарий ва амалий ёндашувларни таҳлил қилиш маҳаллий, миллий ва жаҳон капитал бозорларига нисбатан қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини берди:

- биринчи навбатда, молиявий ресурсларни жалб қилиш усуллари молиявий менежментнинг мақсадларига мос равишда фарқланади;
- иккинчидан, молиявий ресурсларни жалб қилиш усуллари капитал бозорининг сегментлари ва турлари бўйича ўз хусусиятларига эга;
- учинчидан, молиявий ресурсларни жалб қилиш усуллари молиявий воситалар асосида аниқланади;

⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

- тўртинчидан, молиявий ресурсларни жалб қилиш усуллари қуйидаги параметрлар: молиявий ресурсларни жалб қилиш мақсадлари, ҳажми ва шартлари, компаниянинг ташкилий ва иқтисодий хусусиятларига боғлиқ.



2-расм. Капитал бозоридан корпоратив секторга молиявий ресурслар жалб қилишнинг институционал ва ташкилий тузилиши¹⁰

Молиявий ресурсларни жалб қилиш жараёнида фойдаланилувчи молиявий инструментларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётнинг корпоратив секторидан капитал бозори сегментларининг ўзаро муносабатлари шаклланади. Ўз навбатида, сегментлар ўзаро таъсирининг хусусиятлари ва даражасини таҳлил қилиш қимматли қоғозлар бозори ва кредит бозорининг (кучли, ўрта, заиф) уч турдаги ўзаро боғлиқлигини аниқлаш ва тавсифлаш имконини беради.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Иқтисодиётнинг корпоратив секторига капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилишнинг амалиётдаги ҳолати таҳлили**» деб номланган бўлиб, ушбу бобда иқтисодиётнинг корпоратив секторига халқаро капитал бозоридан молиявий ресурслар жалб қилиш амалиёти ҳамда иқтисодиётнинг корпоратив сектор акциядорлик жамиятларига капитал бозоридан молиявий ресурслар жалб қилиш механизми ва унинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда илмий-амалий хулосалар шакллантирилган.


¹⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Мамлакатимизда халқаро капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилиш орқали корпоратив сектор акциядорлик жамиятларини кўшимча молиявий ресурслар билан таъминлаш ҳамда халқаро суверен кредит рейтингини оширишга муҳим аҳамият қаратилмоқда. Корпоратив сектор акциядорлик жамиятларининг халқаро капитал бозори иштирокчиларига айланиши, уларнинг халқаро интеграциялашув жараёнларини ошириш билан бирга ишлаб чиқариш жараёнларига инновацион технологияларни жорий этиш имкониятини янада оширади.

2019 йилнинг февраль ойида дунёнинг энг обрўли биржаларидан ҳисобланган Лондон фонд биржасида Ўзбекистон тарихида биринчи марта евробондлар, яъни еврооблигациялар бозорига жойланди. Бунда 5 йиллик 500 миллион долларлик евробондларни 4,75 фоиздан, 10 йиллик 500 миллион долларлик евробондларни эса 5,375 фоиздан жойлаштирди. Қарз облигацияларини қайтариш муддатлари 2024 йил ва 2029 йиллар белгиланди. Мамлакатимиз қонунчилигига мувофиқ, халқаро еврооблигациялардан келиб тушган молиявий ресурслар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган тегишли меъёрий ҳужжатларга асосан аниқ мақсадлар бўйича тақсимланади. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг суверен еврооблигациялари муваффақиятли жойлаштирилгач, улардан келиб тушган молиявий маблағларни оқилона жойлаштириш мақсадида 2019 йил 2 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида» ПҚ-4258-сонли қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш, шу жумладан мамлакат ва халқимиз фаровонлигини янада оширишда стратегик аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағларни қуйидаги йўналиш ва мақсадларга йўналтириш тўғрисидаги таклифлари маъқулланди (3-расм).

2019 йил 25 ноябрда «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан чиқарилган 300 млн доллар миқдоридagi халқаро облигациялар бўйича Лондон биржасида амалга оширилган савдоларда 150 дан ортиқ инвесторлардан 1,2 млрд АҚШ доллари миқдорида буюртмалар келиб тушганлиги ва халқаро облигациялар 5,75 фоиз купон ставкаси билан жойлаштирилганлигини таъкидлаш мумкин. Мазкур халқаро облигациялар Буюк Британия (30 %), АҚШ (16 %), Европа (40 %) ҳамда Осиё ва Яқин Шарқ (14 %) инвесторлари орасида жойлаштирилди. Банк томонидан жойлаштирилган еврооблигациялар даромадлигини таҳлил қилар эканмиз, 2020 йил 24 январда еврооблигацияларнинг даромадлиги тарихий минимал даража 4,674 %га етди. Биржа савдолари ёпилиши ҳолатига банкнинг еврооблигациялари даромадлиги 4,731 дан 4,693 гача камайди, облигацияларнинг нархи номиналдан 104,526 %ни ташкил этган. 27 январда биржа савдолари очилиш ҳолатига эса даромадлилик 4,685 %ни ва нарх эса 104,559 %ни ташкил этган. Ўзсаноатқурилишбанк АТБ томонидан чиқарилган

еврооблигацияларни сотиб олувчилар бўйича таҳлил қилинар экан, буларнинг орасида халқаро Топ 5 таликка кирувчи юридик шахсларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.




3-расм. Халқаро облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағларнинг тармоқ ва соҳалар бўйича тақсимланиши, фоизда¹¹

Булар орасида Люксембургнинг машҳур компанияси Sparinvest Holdings SE, Канаданинг Sun Life Financial Inc. (SLF), Швейцариянинг Clariden Leu AG, Буюк Британиянинг Standard Life Aberdeen plc компаниялари ва Даниянинг Danske Bank банкларини келтириш мумкин. Бундан ташқари, банкнинг еврооблигациялари сотилиши тармоқлар бўйича таҳлил қилинар экан, бунда юқори улуш яъни 59 %и молиявий маслаҳатчи (консультант) компаниялар, 26 %и тижорат банклари ҳамда 15 %и суғурта компаниялари ҳиссасига тўғри келганлигини таъкидлаш мумкин (4-расм).

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига халқаро капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилиш амалиёти таҳлил қилинар экан, мазкур жараёнларда халқаро йирик молия институтлари Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банкининг улуши юқори эканлигини таъкидлаш лозим. Кейинги йилларда мамлакатимиз корпоратив секторида фаолият юритаётган йирик акциядорлик компанияларининг инвестицион дастурларини молиялаштириш ва биргаликдаги лойиҳаларини амалга оширишда Осиё тараққиёт банкининг ўз маблағлари билан иштироки юқори ўринни эгаллаб келмоқда.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги ПҚ-4258-сонли қарори асосида муаллиф томонидан тайёрланди.




4-расм. Ўзсаноатқурилишбанк АТБ еврооблигацияларини сотиб олган компания ва тармоқлар таҳлили¹²

2015-2019 йиллар мобайнида корпоратив секторнинг турли тармоқ ва йўналишлари 2020 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағлар йўналтирилган бўлса, шундай юқори улушни 500 млн. АҚШ долларини қишлоқ жойларида арзон-уй жойлар қурилиши соҳасида фаолият юритаётган компаниялар хиссасига тўғри келмоқда. Қарз ва грант маблағлари ҳисобига электр энергияси сарфи ҳисобини такомиллаштириш мақсадларига 2015-2019 йиллар мобайнида жами 300 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағлар жалб қилинган. Бундан ташқари электр энергия ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида умумий қиймати 1,0 млрд АҚШ. долларидан ортиқроқ маблағлар жалб қилинган. Шундан 640,0 млн. АҚШ доллари биргаликдаги молиялаштириш асосида амалга оширилган лойиҳалар ҳисобланади. Қуйидаги 5-расм маълумотларида Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва Жаҳон банкдан жалб қилинган маблағлар динамикаси келтирилган (5-расм).

Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан ажратилган жами кредитларнинг умумий ҳажми 1569 млн. долларни ташкил этган бўлса, шундан бугунги кундаги кредит портфелининг умумий миқдори 700 млн.долларни ташкил этмоқда. Жаҳон банки томонидан амалга оширилган молиялаштиришнинг умумий суммаси 6741 млн.долларни ташкил этган бўлса, амалдаги лойиҳалар бўйича молиялаш суммаси 4338 млн. доллардан иборат бўлганини таъкидлаш мумкин. Иқтисодиётнинг корпоратив секторидagi акциядорлик жамиятларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини ошириш, инновацион ва энергия тежовчи технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, шу орқали мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда банк


¹² [https://uzpsb.uz/upload/files-Ўзсаноатқурилишбанк АТБ нинг расмий веб сайти маълумотлари асосида тайёрланди.](https://uzpsb.uz/upload/files-Ўзсаноатқурилишбанк_АТБ_нинг_расмий_веб_сайти_маълумотлари_асосида_тайёрланди.)

тизими томонидан олиб борилаётган инвестицион сиёсат ўз самарасини бермоқда.



5-расм. Халқаро капитал бозоридан иқтисодиётнинг корпоратив секторига жалб қилинган маблағлар таҳлили (2019 йил 30 июн ҳолатига)¹³

Тижорат банклари томонидан 2019 йил давомида тижорат банклари томонидан иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришга 88,3 трлн. сўм ёки 2018 йилга нисбатан 2,3 баробар кўп инвестицион кредитлар, шу жумладан, хорижий кредит линиялари ҳисобидан 2,1 млрд. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилди. 2018 йилда эса корпоратив сектор акциядорлик жамиятларига жами 38,8 трлн. сўм инвестицион кредитлар ажратилган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 2,4 баробарга ортиқни ташкил қилади (6-расм).



6-расм. Тижорат банклари томонидан корпоратив сектор акциядорлик жамиятларига ажратилган инвестицион кредитлар ҳажми(млрд.сўмда)¹⁴

¹³<https://www.adb.org/ru/news/adb-uzbekistan-renew-development-partnership-new-5-year-strategy>-маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.


¹⁴ <http://cbu.uz/oz/statistics/financing/73901/> - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

Бунда банкларнинг инвестиция фаолияти устувор равишда тармоқларни ривожлантириш, маҳаллийлаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштиришни таъминлашга қаратилди.

2014 йил мобайнида корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан жами 8547,2 млрд. сўм ёки 2013 йилга нисбатан 1,2 баробар кўп инвестицион кредитлар ажратилди. 2016 йилда Республика бўйича жами 12200,6 млрд.сўм инвестицион кредитлар ажратилган бўлиб, бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 20 % га кўп демакдир. 2019 йилга келиб ушбу кўрсаткич 88304 млрд.сўмдан ошганлигини кузатиш мумкин. Тижорат банкларининг Ўзбекистон иккиламчи биржа бозорида сотилган акциялари ҳажми 2015 йилда 37,35 %ни ташкил этди. Қолган қисми эса банкларнинг янги эмиссия қилинган акцияларини жойлаштириши бирламчи бозор улушига тўғри келди.

Қўйида кўрсатилган 7-расм «Тошкент» Республика фонд биржасида банкларнинг қимматли қоғозлари билан савдолар ҳажми таҳлилига кўра, 2018 йил охирига қадар савдолар ҳажмининг асосий қисми тижорат банклари томонидан амалга оширилган.

2016 йилда банк томонидан қимматли қоғозлар билан амалга оширилган битимларнинг умумий ҳажми 151,8 млрд. сўмни ташкил этди, 2018 йил якунига келиб уларнинг ҳажми 591,6 млрд. сўмга етди ва банкларнинг умумий савдолар ҳажмидаги улуши 86,1 фоизни ташкил этди.



7-расм. Иқтисодий банк секторининг 2016-2019 йилларда фонд биржасида қимматли қоғозлар билан савдолари ҳажми¹⁵

2019 йилда банклар қимматли қоғозлари билан амалга оширилган савдолар ҳажми бироз пасайганлигига қарамай, банкларнинг савдолар ҳажми 319,5 млрд. сўмни ташкил этиб, умумий савдо ҳажмининг 72,8 %ини ташкил этди. Тижорат

¹⁵ «Тошкент» РФБ нинг 2016-2019 й. ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

банкларининг Ўзбекистондаги корхоналарни инновацион ривожлантириш манфаатларида иштирок этишини ташкил этишнинг афзаллиги шундаки, улар нафақат анъанавий кредиторлар ва молия бозорининг операторлари, балки институционал инвесторлар, инвестиция маслаҳатчилари, инвестиция воситачилари ва қимматли қоғозлар бозорида бошқа профессионал иштирокчилар сифатида ҳам иштирок эта оладилар.

2019 йил якунларига кўра «Капитал суғурта» АЖнинг устав капитал миқдори 15 млрд.сўмдан ошган бўлса, шундан 21 та юридик шахсга жами устав капиталининг 75,47 % акциялар улуши ва 92 нафар жисмоний шахсга жами устав капиталнинг 24.53 % акциялар улуши тўғри келади. «Капитал суғурта» акциядорлик жамиятида Молиявий қарамлик коэффициенти юқори бўлган шароитда, яъни 2015 йилда 0,65 ни ҳамда 2016 йилда 0,32 ни ташкил қилганда жамиятнинг йиллик молиявий натижаси зарар билан якунланган (1-жавдал).

1-жадвал

«Капитал суғурта» акциядорлик жамияти капитал таркиби ва уни молиявий натижаларга таъсирининг таҳлили¹⁶ (млн. сўм)

№	Кўрсаткичлар	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й
1.	Пассив жами	53650,9	52312,7	58228,7	86415,1	109661,4
2.	Хусусий капитал	15546,8	14908,5	19210,6	28418,8	29954,2
3.	Суғурта захиралари	28076,4	32614,9	33411,1	51760,3	64068,6
4.	Қарз капитали	10027,8	4789,4	5606,9	6235,9	15638,7
5.	Соф фойда(+) ёки зарар(-)	-5926,9	-1878,9	4411,5	2087,2	472,2
6.	Молиявий қарамлик коэффициенти (D/E)	0,65	0,32	0,29	0,22	0,27
7.	ROA	-	-	0,08	0,02	0,004
8.	ROE	-	-	0,23	0,07	0,01

